
СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТИЛШУНОС ВА ШАРҚШУНОС ОЛИМ ХОЛИД САИД ХЎЖАЕВ

Алмаз Улви Биннатова,

Филология фанлари доктори, профессор

Озарбайжон Миллий Билимлар Академияси Низомий Ганжавий номли

Адабиёт Институтининг "Озарбайжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалари"

шўбасининг мудир, Озарбайжон Халқаро Бобур Жамоат Фонди филиали раиси

almazulvi1960@mail.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Almaz U.B. Linguist - Orientalist: Khalid Said Khojayeov. International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 39-47.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-5>

Келиб тушган сана 18 январ, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақолада бутун умрини педагогик ва илмий ишга бағишлаган, миллати ўзбек бўлган Холид Саид Хўжаевнинг ҳаёти ва илмий-адабий фаолияти ўрганилади.

1934 йили собиқ СССР Фанлар академияси Озарбайжон филиалининг Тил, адабиёт ва маданият институтида шартнома билан ишга қабул этилган Х.С.Хўжаев тилшунос-шарқшунос мутахассислардан биридир. У фақат туркий тилларни эмас, балки араб, форс, рус тилларини ҳам пухта билган. У илмий изланишлари натижасида 14 та илмий китоб ёзди. Жумладан, Маҳмуд Кошгарийнинг машҳур "Девони луғотит-турк" асарини таржима қилган. Тадқиқотчи илмий ишини ҳимоя қилмаган бўлса-да, "Турк тилининг синтаксиси" монографияси учун унга филология фанлари номзоди илмий даражаси ва доцент илмий унвони берилган.

Туркология фани бўйича олиб борилган тадқиқотларда Х.С.Хўжаевнинг исми бошқа машҳур туркологлар - XX асрнинг гирдобли тарихида миллий-маънавий меросга посбонлик қилган, илғор фикрлари ила янги инкишоф йўлига қадам қўйган олимлар билан бир қаторда ва энг олдинги саҳифаларда туради. Х.С.Хўжаев бу тарихий миссияга 1910-17-йилларда "Садои Туркистон", Қримда Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" газеталарида нашр эттирган мақолалари билан, янгича фикр ва ғоялари билан ҳисса қўшган эди.

Холид Саиднинг энг буюк фаолият жабҳаси Боку Туркология курултойига тайёргарлик - хоҳ ташкилий тарафдан, хоҳ олдига қўйилган мақсадларга уйғун хилма-хил асарлар, тадқиқотларига оид китоблар ёзиш бўлди. Бу ишга муҳаббати уни абадий шон-шуҳратга ноил этган бўлса-да, миллий-маънавий бойликларнинг тарғиботчиси сифатида Сталин қатағони қурбонига айланди.

Калит сўзлар: Холид Саид Хўжаев, Озарбайжон, ўзбек адабиёти, туркология, Боку туркий конференцияси, "Девони луғотит-турк", шарқшунос, тилшунос.

LINGUIST – ORIENTALIST: KHALID SAID KHOJAYEV

Almaz Ulvi (Binnatova)

Doctor of Philology, Professor

ANNOTATION

In the article is explored the life and scientific-literary activity of Khalid Said Khojaye, Uzbek poet. He started to work on the contract in the Institute of Language, Literature and Art of Azerbaijan branch in Russian Academy of Sciences in 1934. He was one of the skilled linguist orientalist. He knew not only Turkish languages but also Arabic, Persian and Russian languages. He was author of fourteen scientific works.

He translated Mahmud Kashgari's famous "Diwan Lughat-it-Turk". He was Candidate of Philology and assistant professor for his monograph "Syntax of Turkish language". But the ending of his ascension was not so long. In the study of Department of Turkology K.S.Khojaye's name are on the first page with famous turkologists - scholars who protects national-spiritual heritage in XX century history and embarked on a new way of development with progressive ideas.

Khalid Said started his historical mission with his innovative thoughts and articles that published in 1910-1917 in the newspapers "Sadai Turkistan" and "Tarjuman" by Ismayil Bey Gaspıralı in Crimea. Khalid Said's greatest activity was the preparation for I Baku Turkology Congress and to write the different articles suitable for the specified purposes and books about research.

Although this love gave him literary immortality but he became a victim of Stalin's regime as a propagandist of national-spiritual values.

Keywords: Khalid Said Khojaye, Azerbaijan, uzbek literature, turkology, I Baku Turkological Congress, Divanu Lughat-it-Turk, orientalist, linguist

DİLÇİ VƏ ŞƏRQŞÜNAS ALİM: XALİD SƏİD XOCAYEV

Almaz Ulvi (Binnatova)

Доктор филологических наук, профессор

АННОТАЦИЯ

Xülasə: Təqdim olunan məqalədə bütün ömrünü pedaqoji və elmi işə həsr edən, milliyətçə özbək olan Xalid Səid Xocayevin həyatı, və elmi-ədəbi fəaliyyəti araşdırılmışdır.

O, 1934-cü ildə SSRİ Elmlər Akademiyası Azərbaycan filialının Dil, Ədəbiyyat və İncəsənət İnstitutunda müqavilə ilə işə qəbul edilmişdir. X.S.Xocayev ixtisaslı linqvist şərqşünaslardan biri olmuşdur. O, təkcə türk dillərini deyil, ərəb, fars, rus dillərini də gözəl bilirdi. Onun on dörd elmi əsəri vardır. Mahmud Kaşğarlının məşhur "Divanı lüğət-it-türk"ünü tərcümə etmişdir. Bunları diqqətə alıb müdafiə etmədən "Türk dilinin sintaksisi" monoqrafiyasına görə ona filologiya elmləri namizədi adı və dosent elmi dərəcəsi verilir. Lakin bu yüksəlişin sonluğu o qədər də uzun olmur.

Türkologiya elmi sahəsində aparılan tədqiqatlarda İstanbul təhsilli X.S.Xocayevin adı digər məşhur türkoloqlarla – XX əsrin burulğanlarla dolu tarixində milli - mənəvi irsi qoruyub saxlayan, həmçinin mütərrəqi fikirlərlə yeni inkişaf yoluna qədəm qoyan alimlərlə bir sırada və ilk səhifədədir. Xalid Səid bu tarixi missiyaya 1910-1917-ci illərdə "Sadai Türkistan", Kırmda İsmayıl bəy Qasıralının "Tərcuman" qəzetlərində dərc etdirdiyi məqalələrlə, yenilikçi fikir və ideyaları ilə yol başlamışdı.

Xalid Səidin ən böyük fəaliyyət cəbhəsi I Bakı Türkoloji Qurultayına hazırlıq – istər təşkilatı baxımdan, istərsə də qarşıya qoyulan məqsədlərə uyğun müxtəlif əsərlər, tədqiqat mövzulu kitablار yazmaq olub. Bu məhəbbəti ona ədəbi ölməzlik haqqını qazandırsa da, milli - mənəvi dəyərlərin təbliğatçısı kimi Stalin rejiminin qurbanına çevirdi.

Ключевые слова: Халид Саид Ходжаев, Азербайджан, узбекская литература, тюркология, I Бакинский тюркологический конгресс, “Дивану Лугати-тюрк”, востоковед, лингвист.

Бутун умрини педагогик ва илмий ишга бағишлаган, миллати ўзбек бўлган Холид Саид Хўжаев 1934 йили собиқ СССР Фанлар Академияси Озарбайжон филиалининг Тил, адабиёт ва маданият институтида шартнома билан ишга қабул этилган эди. Лекин оз вақт ўтгач, доимий ишчи сифатида қабул этилиши учун ариза билан мурожаат этади. Туркология илмининг тадқиқотидаги, хусусан, лотин алифбосининг туркий тилли республикаларда ёйишдаги хизматлари, ўзбек ёшларининг Бокуда Олий ва ўрта мактабларда таҳсил олишларига яқиндан кўрсатган кўмаклари эътиборга олиниб, аризаси ижобий ҳал этилди. Ойлик маошини 300 манат олиш шарти билан I даражали ишчи сифатида буйруқ чиқарилади.

Маълумки, ўша вақтга қадар Х.С.Хўжаев бажарган бир қанча ишлари ҳаммага аён эди. Ана шуларни ҳам асос қилган ҳолда бир йилдан сўнг Бакир Чўпонзода институтнинг директори А.Р.Зифелдт-Симумяқийга (миллати эстон) ёзма мурожаат этади. У 1935 йилнинг 2 декабрида ёзган мактубида шуни маълум қиладики, "Х.С.Хўжаев тилшунос-шарқшунос мутахассислардан биридир. У фақат туркий тилларни эмас, араб, форс, рус тилларини ҳам пухта билади"¹. У илмий изланишлари натижасида 14 та илмий китоб ёзади. Маҳмуд Кошғарийнинг машҳур "Девони луғотит-турк" асарини таржима қилган. Тадқиқотчи илмий ишини ҳимоя қилмаган бўлса-да, "Турк тилининг синтаксиси" монографияси учун унга филология фанлари номзоди илмий даражаси ва

доцент илмий унвони берилган. Аммо бу Юксалишнинг охири у қадар узоқ чўзилмади. Лекин бу юксалишнинг охири у қадар узоқ чўзилмади. Бор-йўғи икки ярим йил... кейин эса...

Туркология фани бўйича олиб борилган тадқиқотларда Х.С.Хўжаевнинг исми бошқа машҳур туркологлар - XX асрнинг гирдобли тарихида миллий-маънавий меросга посбонлик қилган, илғор фикрлари ила янги инкишоф йўлига қадам қўйган олимлар билан бир қаторда ва энг олдинги саҳифаларда туради. Х.С.Хўжаев бу тарихий миссияга 1910-17-йилларда "Садои Туркистон", Қримда Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" газеталарида нашр эттирган мақолалари билан, янгича фикр ва ғоялари билан ҳисса қўшган эди. Ўша даврлар Холид Саиднинг Истанбулда таҳсил олиши тасодиф эмас эди.

Холид Саид Хўжаевнинг ҳаёт йўлига, илмий фаолиятига назар ташлаймиз: Туркистондан - туғилиб ўсган қишлоғидан (Тошкент шаҳридан 40 км узоқликда жойлашган Чирчиқ дарёси соҳилларида жойлашган Қўшқўрғон қишлоғи) хаёлидаги орзулари ишқида Истанбулга илм истаб боради. Ўша вақтда Хўжаевлар оиласида туғилган 5 ака-уканинг ўртанчаси Холид Саид аввал эски мактаб деб номланган кентнинг ибтидоий мактабида, кейин эса Тошкент мадрасаларида таҳсил олади.

У врач бўлиш истагида Истанбул университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради. Лекин тез фурсатда бу соҳада ўз қобилиятини намойиш қила олмаслигини ҳис этади ва танлаган касбини

1. Бунёдов Зиё (1990). Холид Саид Хўжаев. Тергов иши №12493 // Озарбайжон муаллими. (Bunyodov Ziyu (1990). Khaled Said Hodgeev. Investigation case № 12493 // The teacher of Azerbaijan.)

ўзгартириб, тезлик билан университетнинг филология факультетида ўқишни давом эттиради. Шундай қилиб, адабиёт - тилшуносликнинг бошланғич оstonасига қадам босади. Х.С.Хўжаев Истанбулда таълим олаётган йилларда Европа ва Осиёнинг бир қанча ўлкаларида инқилобий характердаги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар туғён этаётган эди, бу "жабҳада" янги фикрларга бой ёшлар етишиб чиқаётган, ажаб эмаски, унинг адабиётга майл этишига у тушган муҳит, дўстлари сабабчи бўлган бўлиши мумкин. (Ҳолбуки, унинг касалликдан кўрққани учун ўз соҳасини ўзгартиргани қайд этилган). Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" мактабидан ўтган гайрат айнан Холид Саид фитратиде туғилаётган эди: она тили, қардош туркий халқлар маданияти, миллий-маънавий меросимиз бўлган адабий обидалардан фойдаланиш, уларнинг контекстида янгиликларга бой миллий қадриятлар яратмоқ ва бошқалар.

1917 йилда олий таҳсилни тамомлаб, Ватанига қайтишни истаса-да, ўлкада, хусусан Россиянинг таъсири билан Она-Туркистонда бошланиб кетган кўзғолонлар унинг Ватанга борадиган йўлида тўсиқлар пайдо қилди, айна шу вақт - 1918 йилда Усмонлилар армияси генерали Нури Пошо раҳбарлик қилаётган Кафказ Турк Ислом армияси Бокуга кетади. Фурсатдан фойдаланган Холид Саид Хўжаев ҳам бу отряд билан бирга Бокуга, Бокудан эса она Юрти Тошкентга кетиш фикрига келади. Лекин Озарбайжонга келгандан сўнг йўллар бекилган эди ва 1920 йилга қадар ватанига кета олмайди, шундай бўлгач, ўзи келган отряд билан Ганжага Юборилади, икки йил у ерда муаллимлик қилади. 1920 йилда йўллар очилган заҳотиёқ (Совет ҳокимияти ташкил этилади ва совет Туркистонига қарашли берк йўллар ланг очилади) ватанига кетади. Икки йил Тошкент Олий педагогика мактабининг раҳбари вазифасида фаолият олиб боради. Лекин 1922 йилда яна Бокуга қайтади. Холид Саид тақдир тақозоси билан бир умр шу шаҳарда қоладиган, яшайдиган бўлди. У Талишинскийларнинг қизи Сора хоним билан турмуш қуради ва бу ерда педагогик

фаолиятини бошлайди. Бу никоҳдан туғилган Баҳижа исмли қизи эса Х.С.Хўжаевнинг давомчиси бўлди (ҳозирда Баҳижа хоним бир неча йилдан буён қизи Афрўз хоним билан Канадада яшайди).

Холид Саид Озарбайжонга қайтиб келгандан сўнг ишини маориф соҳасида давом эттирди - Бокуда, Қусарда, Болохонида муаллим бўлиб ишлади. Айна вақтда илмий тадқиқот билан машғул бўлди. Бу шундай йиллар эдики, С.Оғамалиўели, В.Хулупли, Ҳ.Зейналли, В.Толибли, М.К.Алиакбарли, Ҳ.Жовид... ва бошқа зиёлилар бошқа туркий тилли ўлкаларда ўзлари танийдиган зиёлиларни Бокуга таклиф этишарди. Шундай қилиб, советлашишдан кейинги бу даъватлар билан бир қанча улуг туркологлар - Бакир Чўпонзода (татар), Холид Саид Хўжаев (ўзбек), Исмоил Ҳикмат (усмонли турк), Николай Ашмарин (чуваш) ва бошқалар Бокуда янги иштиёқ билан, янги инқилобий руҳ билан фаолиятларини бошладилар. Боку гўё туркий халқларнинг маданият, тил, алифбо, таълим муаммоларини ҳал этадиган туркология марказига айланди. Шу тарзда 1926 йилда I Боку Туркология қурултойининг Бокуда ўтказилишига илк қадам қўйилди.

Холид Саиднинг энг буюк фаолият жабҳаси I Боку Туркология қурултойига тайёргарлик - хоҳ ташкилий тарафдан, хоҳ олдга қўйилган мақсадларга уйғун хилма-хил асарлар, тадқиқот мавзули китоблар ёзиш бўлди. Бу ишга муҳаббати уни абадий шон-шуҳратга ноил этган бўлса-да, миллий-маънавий бойликларнинг тарғиботчиси сифатида Сталинча қатағон қурбонига айланди.

Болшевиклар давлатининг пухта ўйлаб, ташкил этилган тўғноғич ҳаракатларини фарқ эта билмаган туркологлар, яъни турк халқларининг илм ва адабиёт одамлари, фидокор зиёлилари XX асрнинг II ўнйиллигида I Боку Туркология қурултойини ўтказиш ташаббуси ва таклифларини кучли руҳий кўтаринкилик билан қаршилайдилар. Аслида бу тарихий вазиятнинг икки майдони бор эди: рус империяси ва буюк турк намояндалари, Турон йўлбошчилари. Империя болшевик

шинели ила пайдо бўлганди ва уларга ўз ниятларидан узоқ бўлган одамларнинг, асосан, зиёлиларнинг, илмий тафаккур кишиларининг, миллий онги бор инсонларнинг аниқ рўйхати лозим эди. Бунақа пистирмадан тамоман хабарсиз турк ойдинлари худда ўша кунлардаёқ мақсадларини ўртага ташладилар. Бир-бирларининг илмидан, адабиётидан, ҳолаҳволдан хабардор бўлмоқ учун муштарак алифбо, уйғун тил масаласи ечимининг йўлларини чуқур ўйлаб, мулоҳаза юритган ҳолда амалга ошириш контсепциясини тайёрлашга киришдилар. Туркистондан, Туркиядан, Қозондан, Қримдан... хилма-хил туркийтилли халқлар бир бутун бўлиб мазкур ишни амалий ҳаётга татбиқ этиш мақсадини кўйдилар. Исмоилбей Гаспирали ва В.Радлов шарафига бағишлаб ўтказилган I Боку Туркология қурултойига даъват этилганлар орасида машҳур шарқшунос олимлар Ф.Куприлизода, А.Э.Кримский, Н.Н.Поппенин, Л.Лигетинин, Н.Ашмаринларнинг ҳам борлиги қурултойнинг тарихий аҳамиятини янада орттирар эди. Аммо бу йигинда ҳал этилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп эди. Тадқиқотлардан маълум бўладиги, ишнинг асосий оғирлигини ўз елкаларига олганлардан бири Бакир Чўпонзода бўлса, унинг қаватида Холид Саид Хўжаев бўлди.

Қурултойда кун тартибига чиқарилган етти асосий масала шулар бўлган эди: 1. Алифбо масаласи; 2. Имло-орфография муаммоси; 3. Термин масаласи; 4. Таълим-методика муаммоси; 5. Қариндош ва қардош тилларнинг ўзаро муносабати; 6. Туркий тилларнинг адабий тил муаммолари, жумладан, ўртоқ адабий тил масаласи; 7. Буюк тил назарияси ва туркий тилларнинг тарихий муаммолари.

Ушбу рўйхатни тақдим этишдан мақсадим Х.С.Хўжаевнинг ўз асарларига қўйган номлари билан қурултойда кўтарилган масалалар нечоғли уйғунлик касб этганига бир қур назар солмоқдир: 1. "Усмонли, ўзбек, қозоқ тилларининг

қийсий грамматикаси"; 2. "Янги алифбога ўтиш йўлларида кечмиш хотира ва туйғуларим"; 3. "Мухтасар услубият" (Абдулла Тағизода билан ҳаммуаллифликда); 4. "Турк мактаби учун рус тили"; 5. "Муфассал синтаксис"; 6. "Услубият назарияси"; 7. "Турк тилининг тарихий грамматикаси"; 8. "Чигатой адабиёти ҳақида маърузалар"; 9. "Турк адабиёти назарияси"; 10. "Туркистон тарихидан қисқача очерк"; 11. "Эрон тилларининг грамматикаси"; 12. "Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғотит турк" асари матнининг изоҳли, илмий таржимаси"; 13. "Ўрхун китобларининг изоҳли тадқиқи".

I Боку Туркология анжуманида ўртага қўйилган масалалар билан олимнинг асарлари ёнма-ён қўйилганда, айти шу тарихий ҳодисага алоқадор ёзувлар эканлиги ҳақидаги гумонларимизни тасдиқлайди. (Кези келганда айтиш керакки, олимнинг Озарбайжон Миллий Илмлар Академияси архивида сақланаётган шахсий жилдида чоп этилган ва этилмаган 125 босма табоқ ҳажмидаги асарларининг ҳар бири ҳақида икки-уч жумла орқали маълумот берилади).

Мирзо Фатали Охундовдан бошланган алифбо, она тили ва унинг ўқитилиши масаласи И.Гаспирали, У.Ҳожибейли, Ж.Мамматқулизода, М.Шаҳтахтинский, Ф.Кўчерли, А.Тўпчибошли, А.Шаиқин, В.Хулүфлу... бироз кейинроқ Н.Шаҳтахтли, С.М.Қанизода, Ҳ.Жовиднинг маорифчилик, жадидчилик фаолиятларида долзарб фундаментал муаммолар бўлди. 1920 йилда яратилган янги алифбо комиссияси (раҳбари франтсуз турколог П.Жюзе) Туркистонга, Идил (Волга) бўйи ўлкаларига, Хива ҳамда Қрим ҳукуматларига мурожаат этди. Бу мурожаатнинг асосида янги алифбога ўтиш масаласи турар эди. Х.С.Хўжаевнинг "Янги алифбога ўтиш йўлларида кечмиш хотира ва туйғуларим"¹ асарида бу йўлда мавжуд бўлган муаммолар қаламга олинган эди: "Озарбайжоннинг "Янги алифбо ҳаёти"нинг

1. Хўжаев Холид Саид (1929). Янги алифбога ўтиш йўлларида кечмиш хотира ва туйғуларим. - Боку. (Khojaev Khalid Said (1929). My memory and emotions on the way to the new alphabet. - Baku.)

собиқ Советлар Иттифоқидаги Қримга ва Туркистонга бориб, масъул шахсларга, мансабдорлар билан учрашувлари, айна дамда, муаллифнинг йўл хотираларидан баҳс этилган. Азиз Қубайдулиннинг "Саёҳатнома" деб номлаган 145 саҳифалик бу асар 1929 йилда Қримда - Оқмасжид (Симферепол)да нашр этилган эди. Мазкур факт ҳам далолат берадики, Х.С.Хўжаевнинг янги алифбо ўтиш масаласини амалга оширилишидаги хизматлари буюқдир.

I Боку Туркология қурултойида чиқиш қилган машҳур Т.Манзелин (олмон), В.Радеболдун (олмон), Й.Массарошун (мажор), И.Умаров (қозоқ), Х.Ўшаевин (чечен), А.Р.Зифелт-Симумяқинин (эстон), М.П.Павлович (яхудий), М.П.Петровун (чуваш), Ш.Раҳимий (ўзбек), И.Садрий (ўзбек), Қ.Э.Саъдий (татар), А.Жонибоев (нўғай), Б.С.Сулевин (қозоқ), Ш.Манатов (бошқирд), М.Нодим (қрим-татар), Н.Қ.Катанов (хакас), Д.Қўрқмасов (қумиқ), Х.К.Косиев (қалмиқ), З.К.Малсатов (ингуш), В.Б.Томашевский (рус) цингари олимлар билан бир сафда - Х.С.Хўжаев (ўзбек)нинг¹ номини кўрамиз. 131 нафар намоянда қатнашган қурултойда тингланган 38 маърузадан бири ҳам унинг чекига тушган эди.

Болшевиизм идеологияси янги новда чиқараётган бир даврда Х.С.Хўжаев туркологияга бебаҳо асарлар туҳфа этди. У 1930 йилларда Ўрхун-Энасой битикларини замонавий тилимизга мослаштирди ва шарҳлари билан мукаммаллаштирган ҳолда "Ўрхун битикларининг изоҳли тадқиқи" асарини тақдим этди.

Х.С.Хўжаевнинг чексиз хизматларининг энг Юксак нуқтасини ташкил этувчи энг эътиборга молик иши 80 босма табоқ ҳажмида нашрга тайёрлаган Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғотит турк" асаридир. 1930 йилларнинг бошларида СССР Фанлар академияси Озарбайжон филиали асарни яхлитлигича она

тилимизга таржима қилиш учун комиссия ташкил этади ва унга раҳбарлик қилиш Х.С.Хўжаев зиммасига топширилади.

Ниҳоятда жиддий бир вазифа қаршисидаги масъулиятини ҳис этган, айна дамда араб тилини мукаммал билган Х.С.Хўжаев биринчи бўлиб "Девони луғотит турк"ни бизнинг тилимизга уйғунлаштириш методологиясини тайёрлайди ва уни илмий журналда чоп эттиради. Алалоқибат, Маҳмуд Кошғарийнинг 1071 йилда ёзиб тугалланган мазкур асари тахминан 850 йилдан сўнг илк марта таржима қилинди. Х.С.Хўжаев ушбу асари туркология фанининг янги олам, янги сиёсат ва методлар билан узвийлик касб этган замонамизга армуғон этди. Ва бу иши билан гўё хабар берадики, минг йиллик тарих шундай гувоҳлик берадики, буюқ турк дунёсининг пойдевори жуда мустаҳкам, устунлари эса букилмас, теран илдизларга эга (Қайд этишимиз керакки, мазкур таржиманинг қўлёзма нусхаси Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Тилшунослик институтининг илмий архивида мавжудлигини тасдиқловчи бир қанча манбалар билан танишдим). Асарнинг Х.С.Хўжаев томонидан таржима қилингани ҳақида маълумот совет Россиясидаги туркологларга аён эди. 1937 йилнинг апрелида Санкт-Петербургда ишлаётган машҳур туркологлардан академик И.Крачковский (1883-1954) ва проф. С.Малова (1880-1957)ларга ёзган мактубида "Девони луғотит турк"нинг таржимасини тамомлаганини ва тақриз учун уларга Юбормоқчи эканлигини ёзади. Олим 1937 йил июн ойининг биринчи санасида "Девони луғотит турк"ни яқунланган ҳолатда топширади, ўзи эса 3 июнда ҳибс этилади. Ундан бу асарни қумиқ ва қорачой-балқар тилларига таржима этилишини сўраган Кумикова жавоб мактубини эса Юборишга фурсат тополмайди ва жуда кўплаб кўриб чиқиладиган ишлар чуваланиб кетади. Тасодиф эмаски,

1. Лотин ёзувига асосланган янги турк алифбоси ва И Боку Туркология Қурултойи библиографияси (2006). Боку. - 13 с.

(New Turkish Alphabet based on Latin script and Bibliography of the Baku Turkology Congress (2006). Baku. - 13 p.)

таржима қилинган асар С.Э.Малов ва А.Н.Кононов тарафидан таҳрир этилганда, Холид Саид Хўжаев ҳаёт эмас эди. Таржима қилинганидан 80 йил ўтган бўлса-да, мазкур таржима китоб дунё Юзини кўрмай келаётган эди. Ушбу залварли тадқиқотнинг қисмати ҳам таржимоннинг толейи янглиғ оғир тошга боғлангандек эди.

Бир фактга эътибор берайлик: Б.Чўпонзода 1908-1918, Жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бўлган Абдурауф Фитратнинг 1909-1914 ва Х.С.Хўжаев 1914-1917 йилларда Туркиянинг Истанбул шаҳрида таҳсил олган саналардир. А.Фитратнинг сўнгги фаолияти фақат Ўзбекистон билан боғлиқ бўлса-да, Б.Чўпонзода ва Х.С.Хўжаев Ўзбекистон ва Озарбайжонда фаолият кўрсатганлар. Ҳар икки машҳур тилчи олимнинг илмий Ютуқлари асосан Озарбайжон - Боку илмий муҳити билан тўғридан-тўғри алоқадордир.

Бу яқинликлар узвийлиги ўлароқ XX асрнинг 20-йилларидаги мисли кўрилмаган илмий фаолиятларида, хусусан, I Боку Туркология анжумани учун тайёргарлик арафасида бир неча марталаб маслакдошлари, туркологиянинг гуллаб-яшнашида беқиёс муваффақиятларни қўлга киритган А.Фитратга мурожаат этишиб, унинг қўллаб-қувватлашидан янада рағбат оладилар.

I Боку Туркология анжумани кунлари учун назарда тутилган Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро асарларининг нашр этилишида, шу билан бирга Ўзбекистонга уюштирилган сафарларида Фитратнинг бевосита ёрдамига таянганлар. Чунончи, Х.С.Хўжаевнинг қурултой олди Туркий ўлкаларга сафарининг натижаси шу эдики, Ўзбекистондан Иномов (сотсиолог), А.Абдулжабборов (Марказий Ўзбекистон илмий шўроси раиси, Ш.Раҳимий (тилшунос), А.Ализоҳирий(тилшунос), Элбек (тилшунос), И.Садрий (тилшунос)

каби таниқли намояндалар қурултойга келадилар. II Туркология қурултойининг Самарқандда ўтказилиши ҳақида қарор қабул этилиши ҳам айнан шундай мустаҳкам алоқаларнинг ҳосиласи эди.

Қурултойнинг I мажлисидан кейин бутун иштирокчиларнинг барчаси Навоийнинг 500 йиллик Юбилейига бағишланган тантанали кечани ўтказадилар. Туркистоннинг лотин алифбосига ўтишида Х.С.Хўжаевнинг улкан роли бўлганлиги бу алоқаларнинг бир натижаси эди. Аммо қарор таниқли ва фидокор туркологларнинг истагилигича тарих саҳифаларида қолди. Чунки рус империясига ИИ қурултой - мажлис лозим бўлмади: I йиғинда нишонга олинадиган исмлар аниқлаб бўлинган эди.

Ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг, ҳатто бугун ҳам севила-севила ўқилаётган "Ўтган кунлар" романини - ўша вақтидаёқ Е.Э.Бертелс (1890-1957) ўзбек насрини Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романига таяниб дунё (инглиз, немис, франтсуз, рус ва ҳинд) насрининг "олтинчи мактаби" дея баҳолаган эди. Бу асарни Х.С.Хўжаев озар тилига таржима қилгач, анча йирик сўзбоши билан бирга 1928-1929 йилларда "Азернашр"да икки китобда чоп эттиради¹ ва китоб сўзбошида ёзади: "...услуг осойишта, ... қахрамон энг таҳликали дақиқаларда ҳам гурурини йўқотмайди, қонли мужодалалардан кейин ҳам совуққонлигини сақлаб қолади, сирини ҳеч кимга ошкор этмайди. Қахрамон ўзбек халқининг жамики сажиясини ўзида мужассам этган ўзбек ўғлонидир. Асар реалист, баъзи ўринларда эса натуралист услубда ёзилган. Шунинг учун ҳам "реалист маслаки ўзбек адабиётига шу асар орқали кириб келди" дейиш мумкин². Асарда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, урф-одатлари, ўтмиши акс эттирилган. Айни шу жиҳатдан ҳам асар Х.С.Хўжаевнинг диққаттини тортган эди. Ўрни келганда айтиш керакки, самимий ва

1. Улвий Алмас (Биннетова). Озарбайжон-ўзбек адабий алоқалари (даврлар, сиймолар, жанрлар, тамойиллар) (2008). - Боку. - 180 с.

(Ulvi Almas (Binnatova). Azerbaijan-Uzbek literary relations (periods, figures, genres, principles) (2008).- Baku. - 180 p.)

2. Қодирий Абдулла. Ўтган кунлар (1928). Таржимон Х.С.Хўжаев. - Боку. - 234 с.

(Kodiriy Abdulla. Past Days (1928). Translated by X. Xodjaev. - Baku. - 234 p.)

реалист мазмун ташиган мазкур "Ўтган кунлар" асарининг муаллифи А.Қодирийни ҳам (1894-1938) Сталинча қатагончилар ҳибсга олади ва ҳаммаси бўлиб бир неча кун ичида тергов, суриштирувларсиз отиб ташланган. Худди ўша йили Истанбулда таҳсил олган жадидчи Фитрат(1886-1937), Чўлпон(1897-1937)... каби истеъдодли, янгича дунёқарашга эга, туркчилик анъаналарини абадийлаштириш мақсадида курашлар олиб борган қалам соҳиблари ҳам "пантуркист" тамғаси билан отиб ташланади. Холид Саиднинг Истанбул университетиде таълим олган бу ўзбек маслақдошлари Ўзбекистонда Туркчилик ғояларини ёйиш йўлида ҳақиқатан ҳам йирик мунозаралар олиб борган, ўлмас асарларнинг муаллифлари эдилар. Бугун эса улар XX аср ўзбек адабиётининг классиклари сафидадирлар.

Бундан ташқари, Х.С.Хўжаев айнан Туркияда олган таҳсилнинг миннатдорчилиги сифатида, шунингдек, ўзи учун бир маънавий бурч деб ҳисоблаган ҳолда машҳур "Чолиқуши"нинг (Р.Н.Гунтекин) Озарбайжон китоб-хонларига етказиш орқали рўёбга чиқарди¹. 1930 йилда "Азернашр"да чоп этилган бу асарда ҳам "Ўтган кунлар"да бўлгани каби Ҳнавий Зейналли муҳаррирлик қилган эди. Ҳар икки асар маъно гўзаллиги билан бир қаторда айнан маҳоратли ва уста таржимоннинг моҳирлиги ҳам эътиборни тортади, яъни асарлар кўнгилларга шу қадар сел қилиб кириб борадики, уни аслиятдан фарқлаш мушкул бўлиб қолади. Бу эса табиийки, уларнинг турк тафаккурининг теран моҳияти, нозик руҳияти билан хабардорлигидан, туркий тилли халқларнинг жон-жонидан боғлиқлигидан нишонандир.

Таниқли ўзбек олими Ҳоди Зарифнинг ўша вақтда Бокуда таҳсил олишига сабабчи бўлган Холид Саид у билан бирга бошқа

ўзбек ёшларининг Бокуда таълим олишлари учун олий ва ўрта махсус мактабларига даъват этади. Илк марта Истанбулда кейинчалик машҳур фолклоршунос сифатида танилган Ҳоди Зарифнинг тоғаси билан кетган Х.С.Хўжаев бу яхшилик эвазига ёш Ҳоди Зарифнинг Бокуда таҳсил олишлигига (1923-1926) кўмаклашади. Туркистон ССР Халқ маорифи комиссарлигининг йўлланмаси билан Ҳ.Зариф Бокуда 1926 йил Дорулмуаллим семинариясини тамомлайди. Айни вақтда Тошкентдан бир гуруҳ ёшларнинг театр соҳасида таҳсил олишлари учун Бокуга келишларига ташкилотчилик қилади. Бу ҳақида мазкур гуруҳ таркибида Бокуга келганлардан бири - кейинчалик СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган Ҳалима Носирова "Шарқдан таралган нур" номли мароқли китоб ёзиб, нашр эттирган эди. "Дастлаб нон шаҳри Тошкентда бўлганман, санъатнинг алифбосини эса Ёруғликлар Юртининг қуёшли пойтахти гўзал Бокуда бошлаганман. Санъатдаги дўстларим Сайфи Алишов, Ҳакима Хўжаева, Назира Алиева, Зухур Қобилов, Муҳиддин Қори Ёқубов, раҳим Бобожонов, Исрофил Исмоилов ва бошқалар билан биргаликда Бокудаги театр техникумига (1924-28) қабул этилганимда 12 ёшларда эдим"². Жамики бу ёшларнинг Бокуда ётоқхонага жойлаштирган, улар учун қайгурувчи ҳам Х.С.Хўжаев бўлган эди.

Х.С.Хўжаев шеърят шайдоси бўлган. Классик Шарқ поэзиясининг хассос билимдон эди. Талабаларининг ёзиб қолдирган қайдларига қараганда, унинг Фузулий меросига алоҳида муҳаббати бўлган.

Бинобарин, Х.С.Хўжаевнинг тақдири саҳифаларини бир мақола доирасида батафсил варақламоқ имкони йўқ. Равшанки, большевистик жамият қурилиши учун таҳликали ҳисобланган

1. Гунтекин Рашод Нури. Чолиқуши (1930) // Озарб. тилига таъдил қилган Холид Саид. - Боку. - 194 с.

(Guntekin Rashod Nuri. Choliqushi (1930) // Ozarb. Khalid Said, who made his speech clear. - Baku. - 194 p.)

2. Улвий Алмас (Биннетова). Озарбайжон-ўзбек адабий алоқалари (даврлар, сиймолар, жанрлар, тамойиллар) (2008). - Боку. - 226-227 с.

(Ulvi Almas (Binnetova). Azerbaijan-Uzbek literary relations (periods, figures, genres, principles) (2008).- Baku. - 226-227 p.)

буюк Турон гоёси яловбардорлари - зиёлиларнинг қамоққа олиниши 1937 йилнинг январ ойидан бошлаб оммавий тус олди. Бир-биридан хабарсиз кечанинг зулматидаги ҳибслар бошланиб кетади ҳам "қора рўйхат"даги бошқа зиёлилар борасида улардан уриб-суриб, ўлдириб айбларига "иқро" эканликлари тўғрисида қоғозга имзо чекирилди. Маҳкамаларда 5-10 дақиқалик шахидлик сўзи каби охириги сўз берилар эди. Уларга етказилган минг бир мусибат, калтаклаш-у сўкиш, оилаларига қилинган дўқ-пўписа, таҳдидлар натижасида таҳқирловчилар истаётган "бўхтон"лар тўла маълумотномаларга имзо қўядилар.

1937 йилнинг 3 июн кечасида Озарбайжоннинг тўрт буюк зиёлиси бир вақтда ҳибс этилади: Ҳусайн Жовид, Аҳмад Жавад, Микойил Мушфиқ ва Холид Саид Хўжаев. Худди ўша кунларда чақирилган Озарбайжон К(б)Пнинг XIII қурултойида М.Ж.Багиров маърузасининг сўнгсўзида шундай деган эди: "Бир қаранг, Ёзувчилар Иттифоқида кимлар ўтирибди: ҳозирда фош

этилаётган Ҳусайн Жовид, Аҳмад Жавад, Микойил Мушфиқ кабилар" (унда энг қизиғи Холид Саид Хўжаевнинг исмини ҳам айтмади, аммо қатл қилинувчилар рўйхатидан четлаштирмади).

12493 рақамли Тергов ишининг соҳиби 72 сонли маҳбус 49 ёшли Холид Саид Хўжаев¹.

Уни Ягона Турк-татар давлати ташкил этиш учун олимлар ва олимлар ва ижтимоий-сиёсий ходимлар билан тезкор ташкилот тузишликда ва бошқа бир қанча уйдирмалардан иборат моддалар билан айлашиб, 1937 йилнинг 12 октябрида маслакдошлари билан биргаликда отиб ташлайдилар.

Мушфиқ-у Фитрат каби, Чўпонзода-ю Чўлпонлар сингари Холид Саиднинг ҳам қабри йўқдир, қаерда, қай тарзда отиб Юборилганликлари ҳақида аниқ бир маълумот йўқдир.

Холид Саид Хўжаевнинг хизматлари ўз даврида бўлгани каби бугун ҳам улкан мезонларда кўринади.

**Озарбайжон тилидан
Сирдарёхон ЎТАНОВА таржимаси**

1. Бунёдов Зиё (1990). Холид Саид Хўжаев. Тергов иши №12493 // Озарбайжон муаллими.
(Bunyodov Ziyu (1990). Khaled Said Hodjaev. Investigation case № 12493 // The teacher of Azerbaijan.)